

---

## МАРД ЎҒЛОНЛАР ҲАМИША ХАЛҚ ХОТИРАСИДА

Кеча хабар берганимиздек, Ўзбекистон туманида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мустақиллик йилларида Ватанимиз тинчлиги, кўп миллатли халқимизнинг обод турмушини таъминлаш йўлида мардларча ҳалок бўлган осойишталик посбонлари оилалари ҳолидан хабар олинмоқда.



Ўзбекистон тумани ҳокими Қ.Джураев бугун ҳам ана шундай жасур ўғлонларнинг хонадонларига кириб бориб, уларнинг оила аъзолари билан учрашди.



Учрашувлар давомида довжорак ўғлонларнинг шижоати, мардлиги ёдга олиниб, уларнинг ёруғ хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Она юрт ифтихорларининг оила аъзолари байрам билан қутланиб, уларга туман ҳокимлигининг байрам совғалари топширилди.



Эзгу тадбирларда туман раҳбарига Мудофаа ишлари бўлими, “Соғлом авлод” жамғармаси, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими вакиллари ҳамроҳлик қилди.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-01-14 23:02:03